

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 8 декабрь • сешанба № 52-53 (779-780)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.minjust.uz

Конституция сабоғи

Тил — миллат белгиси

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 4-модда.

АСОСИЙ қонунимизнинг бу моддаси ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқларини тиклашга қаратилган бўлиб, унда Ўзбекистондаги давлат тили ўзбек тили эканлиги белгилаб қўйилган. Қомусимизнинг ушбу моддасининг ўзига хос тарихи бор. Маълумки, 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни қабул қилди ва 21 октябрь "Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун" деб эълон қилинди. Бу миллий истиқлол сари қўйилган илк дадил қадамлардан бири бўлиб, халқимизнинг азалий эзгу орзу-умидларининг ўшаниши ҳам эди.

"Тилга эътибор — элга эътибор", "Тил — миллатларнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки" деб бежиз айтишмайди. Чунки тил миллат маъжудлигини, унинг яшаётганлигини, ўз тақдирига эга эканлигини билдиради.

Давлат тилининг муҳим белгиларидан бири унинг барча расмий иш юртида тўлалигича қўлланилишидир. "Давлат тили ҳақида"ги Қонунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига тақлиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожаат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади. Ўзбекистонда ишловчи барча мансабдор шахслар, раҳбар ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республикамизнинг давлат тилини етарли даражада билишлари шарт. Аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланувчи шахслар ҳам ўз хизмат вазифаларини бажариш учун давлат тилини билишлари лозим. Республикада қонунлар, қарорлар, фармонлар ва бошқа ҳужжатлар бевосита давлат тилида тайёрланиб, қабул қилинмоқда ва эълон этилмоқда. Ҳозирги вақтда барча турдаги йиғилишлар, мажлислар ва кенгашларнинг ўзбек тилида ўтаётганлиги ушбу Қонуннинг тобора ҳаётимизга сингиб кетаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатида эътироф этилиши миллий истиқлолимизнинг муҳим белгиларидан биридир.

Юқоридагилар билан бир қаторда яна шу нарсани унутмаслик керакки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги ва унинг Конституцияда қонун билан мустаҳкамланиши — бу асло юртимизда яшовчи бошқа миллатларнинг камситилишини билдирмайди. Конституцияда кўрсатиб қўйилганидек, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинади, уларнинг ривожланиши учун барча шароит яратилади. Ўзбекистонда бошқа миллат вакиллари тил тенглиги тўла таъминланган.

Қомусимизнинг ушбу моддасида белгиланган ҳуқуқий меъёр бир томондан, ўзбек тили ва ўзбек халқи ҳаётида тилнинг тараққиёти ва халқларнинг маънавий камолотида, миллий истиқлолга эришишда бекиёс омил бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан эса, бошқа миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлиги сақлаб қолинишида, уларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилиниши ҳамда янада ривожланишида муҳим кафолатдир.

Игорь КУДРЯВЦЕВ,
ТДЮИ катта ўқитувчиси

Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир

Президент Ислон КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадри дўстлар!

Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидаги қутлуг сана — мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Авваламбор, мана шу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Том маънодаги тарихий бу сана ҳар сафар байрам қилар эканмиз, Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг

чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юрган мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки муҳтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бекиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз.

Иккинчидан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принциплар қоидаларини ўзида му-

жассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Учинчидан. Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шартли бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Тўртинчидан. Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг

эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Бешинчидан. Миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

(Давоми иккинчи ва учинчи бетларда)

2012 йил — “Мустаҳкам оила йили”

63-модда

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан

64-модда

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан



65-модда

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Аналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан

66-модда

Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандига кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик оққасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кунга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичда қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб,

ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақибланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кам бўлган шахслар манзил-колониёга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:
а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 декабрь.

сизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;
г) ушбу Қарор 4-6-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли кўмити ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир

Президент Ислон КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Олтинчидан. Конституциямиз миллий, кўпқабдали иқтисодий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқлаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

Еттинчидан. Асосий Қонунимиз миллий ҳавфсизлик ва муҳофаза органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатамиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва ҳавфсизлигини келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. **Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат куриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини куриб берди.**

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, биз танлаган тадрижий тараққиёт йўли, **биз учун номатбул бўлган, “шок терапияси” деб аталган ислохотларни асосий равишда тезлаштиришнинг турли шаклларида воз кечганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта.**

Ўйлаيمانки, орадан йиллар, неча ўн йиллар ўтади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз танлаб олган ва машхур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчилиكنинг хайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни, ялли ички маҳсулотимиз ҳажмининг,

аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва тураржой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётини натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига — 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлаيمانки, ҳеч кимни, авваламбор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни туғдираётган муаммоларга қарамасдан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялли ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмаслиги бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимиз, юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва марралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга, бутун халқимизга фахрур гурур бағишлаши табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланадиган эркин иқтисодиётга асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат куриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эътибор қозонган жамиятнинг шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволаишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамда бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни ҳушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Ўйлаيمانки, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлисимиз — Парламентимиз томонидан қабул қилинган **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси** моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдида қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг **амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.**

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало конституциявий ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурий амалда жорий этишни назарда тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислохотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз албатта яхши англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмунини билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлмиш — мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига қўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларимизни ўзида муҳассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яқкаю ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз зарур.

Азиз ватандошлар! Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси — Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган олижаноб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун ҳаёт мазмуни ва

амалий интилишларга айланиб боришини истардим.

Соддароқ қилиб айтганда, саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар авваламбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртининг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, **онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.**

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз яхши англаб олганига ишонаман. Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари тарафидан қўйилган қилинмоқда. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самарадорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиклолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аввало, собиқ совет ҳудудида эски мустабид тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгида кечаги совет даврини кўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлмиш собиқ Иттифоннинг пароканда бўлишини табиий-қонуний ва мантикий ҳол деб баҳоламаслик, бунинг сабабини авваламбор бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий

асосларининг ноқобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага ургу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсадан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни, интеграциялашув жараёнларини кўзлаб, шу мақсадда турли давлатлараро бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича сўз юритганда, айтиш кераки, **бундай бирлашмалар вақти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши** ва бундай ҳолат бирлашма аъзоларини қилиш бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналишидир.

Биз учун гоёта муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида **ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.**

Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қулай инвестицион иқлимни ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узоқ муддатли ва ишончли имтиёз ҳамда преференциялар беришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга тайёرمиз. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун кимнингдир руҳсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юртдошларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчиман: тарихи асло орақага қайтариб бўлмайди. Бизнинг халқимиз, кейинги йилгирма йил давомида воёга етган навқирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги келажагимизга катта ишонч билан қарамокда ва **ўз танлаб олган йўлидан ҳеч**

қачон — мен такрор айтман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Хурматли дўстлар!

Бундан роппа-роса бир йил олдин Конституция кунига бағишланган мажлисда мамлакатимизда одатга айланган анъанани давом эттириб, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъқул топганимизнинг асосий сабаб ва омиллари ҳақида жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат куриш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга қўтариш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққий топаётган мамлакатлар таърибисини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисмидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад, принцип ва қоидаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига қўтарилган барчамизга маълум.

Бундай сиёсатни, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолиимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга ургу бериб айтмоқчиман — иш билан банд аҳолиимизнинг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва халқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини, кўзга кўринган кўпгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга олади-ган бўлсак, бундай синовларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозорида рақобат гоёта кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиكنинг

амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга қўтариш маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолиимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириб ортиқча, деб ўйлаيمان.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотираб эканмиз, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналишда яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гапириб олишни ўринли, деб биламан.

Ҳаммамиз тушунамизки, йил якуни билан бу йўналишда қабул қилган дастурийимизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган давлат идоралари, ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофича ҳулоса чиқариш вақти келди, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг руҳсатингиз билан бу масаланинг фақат икки йўналишига эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблайман. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққиётининг суръати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қулайликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишни янги босқичга қўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар тўғрисида эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатида олинган пайдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилгани, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллики таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қайд этиш лозим.

(Давоми учинчи бетда)

Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир

Президент Ислон КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда)

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини кўп мисолларда кўриш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш кераки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикма-эшик юришга бутунлай барҳам берилиб, "битта дарча" тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айтиш мумкин, бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хонашў биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этгани, зарур хонашў ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани аниқ шундай тадбирлар натижасидир. Яна шуни қайд этиш лозимки, айтиш мумкин, шундай тадбирлар натижасидир. Яна шуни қайд этиш лозимки, айтиш мумкин, шундай тадбирлар натижасидир.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотиқ, майда хўнарандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи

навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тўраққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисмидан кўпроги замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани аниққас эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Шу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларида ортиб, уларнинг ялли экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кўтилмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни авваламбор соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ортиб бораётганининг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири — бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўринининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, тақрор айтаман, Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг қўлмалли ишлар ҳақида-

ни фикрларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялли ички маҳсулотидидаги улуши ҳозирги вақтда — шунга алоҳида эътибор беришнингизни сўрайман — 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани аниқлатади.

Азиз юрдошлар! Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустақам пойдеворида айланган, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиики, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратаятган, фаровон ҳаёт сари қадам қўяётган инсонлар айтиш мумкин, ҳеч қачон қайтмайди, де-сам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшилисангиз.

Шу борада яна бир муҳим хулоса.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва таянчга айланиб бораётган, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз ўйи, ўз мулкни ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама англаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу дийёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва оқсоқиллик, аҳиллик ва ҳамжихатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий ҳурматимни билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилаш-

ни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар! Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Авалло, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад — бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равангига хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар кўпчилиги ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввалло, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишнинг аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-хунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажигини аниқлаб, оила қуришни истайди.

Оғли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажигини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустақамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг руҳсатингиз билан, кириб келаётган янги — 2012 йилга юртимизда **"Мустақам оила йили"** деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул

қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустақам, жамият мустақам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожди йўқ.

2012 йилга **"Мустақам оила йили"** деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб, қабул қилинадиган дастурда айтиш мумкин, эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввалло, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятининг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустақам оила ва бахтли турмуш авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилятларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга қўмақ, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввалло, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айтиш мумкин, айтиш мумкин бўлаемиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, ҳолисона тан олишимиз даркор — ана шундай саяёҳатларимизнинг изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини қўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этиш биринчи навбатда давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилигимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизга аён бўлиши даркор.

Учинчидан, **"мустақам оила"** деган гоёнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозongan маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Бунинг иш-ботини бугун ҳар қадамда қўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда **"Маҳалла — халқ виждони"** деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқас, ёш оилани ҳаётини турли тўфонларидан асраш, унинг мустақам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур қўмақ, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ўйлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги кундалиқ ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Тўртинчидан, оилани янада мустақамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масалани яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юқини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, **оила қўргонининг ҳам чиройи, ҳам чарогбони бўлган аёл зотининг**, опа-сингиллари мизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар экан-

дини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилятларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи гоёларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустақам таянч деб билаемиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан — бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлири бўладими — ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни қўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилиги, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин, биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан тақрор айтаман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-мудоридимизга албатта етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлсин.

Адлия вазирлигида



ИСТИҚЛОЛ йилларида мамлакатимизда эришилган улкан ютуқларимиз замирида Асосий қонунимизда белгилан-

ган тамойиллар, ҳаётий қоидалар мужассам.

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конститу-



цияси қабул қилинганининг 19 йиллигини кенг нишонламоқда. Шу қутлуғ санага бағишлаб Адлия вазирлигида ўтказилган

байрам тадбирини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нигматилла Йўлдошев бошқариб борди.

Унда сўзга чиққанлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият саналган Конституциямизнинг мамлакатимиз

тараққиётида тутган бекиёс ўрни. Бош қомусимизнинг инсонпарвар гоёлари дунё жамоатчилиги томонидан эътироф қилинаётгани, унинг халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига тўла мослиги ҳамда миллий қадриятларимизга уйғунлиги, бошқа давлатлар конституцияларидан фарқли жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги байрами муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ кўлаб юрдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар

орасида адлия идораларининг 7 нафар ходими ҳам борлиги бизни беҳад қувонтиради. Ушбу мукофотларнинг Конституция кун арафасида топирилиши ажойиб аъёнага айланган.

Байрам тадбирида ана шу тантанали маросим ҳам ўтказилди. Мукофотларни Адлия вазири Н.Йўлдошев топширди. Шунингдек, ўз фаолиятида ибрат кўрсатиб, фидойи меҳнат қиладиган адлия идоралари ва муассасаларининг бир



гуруҳ ходимлари Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлишди.


Адлия вазирлиги Ахборот хизмати Суратда: тадбирдан лавҳалар Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, герби ва мадҳияси давлат муқтадирлигининг рамзлари ҳисобланади. Шу сабабли, муқтадирлигининг илк йилларидаёқ мамлакатимизнинг давлат рамзлари тегишли қонунлар билан тасдиқланди. Мазкур қонунларга 1999 йил 15 апрелда, 2003 йил 25 апрелда, 2004 йил 3 декабрда ҳамда 2010 йил 24 декабрда ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўринда, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2010 йил 24 декабрдаги Қонунга алоҳида тўхталиш жоиз, чунки мазкур Қонун билан давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига халқаро ҳуқуқ нормалари, чет эл тажрибаси ҳамда амалдаги қонунчилик ва амалиётни ҳар томонлама ҳисоба олиб, таҳлил қилган ҳолда муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Назар

Давлат рамзларига ҳурмат ва эҳтиром

қонунчиликдаги ўзгариш ва қўшимчаларда ҳам намоён



Биринчидан, амалиёт ҳамда ҳориқий тажрибани ҳисоба олган ҳолда Давлат байроғи ва Давлат гербининг тасвирини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш масалалари ҳамда Давлат мадҳияси ижро этилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқлаштирилди ва тўлдирилди. Жумладан, Давлат байроғи ва Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳлари, марказий идоралар биноларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг хизмат қоналарида доимий равишда жойлаштирилиши белгиланди.

Давлат байроғини жамоат жойларида, республикага ҳориқий давлатларнинг расмий делегациялари ташириши чоғида ҳамда Қурултой Кучлар тузилмаларида кўтариш ҳолатлари ва тартиби белгиланди. Шунингдек, Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилари Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кемалари, автомобилларнинг воситалари давлат рақами белгиларида қўйилиши ва бошқалар назарда тутилди.

Юзага келган амалиёт ҳамда ҳозирги кун талабни ҳисоба олиб, Давлат гербининг тасвирини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бланкларидан, давлат ҳокимияти органлари ҳамда қонун ҳужжатларининг расмий нашрларида, умумдаш намунасидаги ҳужжатларда ҳам акс этирилиши белгиланди. Ўз муҳрлари ва ҳужжатлари бланкларидан Давлат гербининг тасвиридан фойдаланишга рухсат берилган давлат органлари ва ташкилот-

ларининг аниқ рўйхати кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси жорий этилганлиги муносабати билан амалиётда учраётган ҳар хил қиллиш бартараф этиш мақсадида Давлат герби тасвирининг пастки қисмидаги “Ўзбекистон” ёзуви лотин ёзувида бўлиши белгиланди.

Шунингдек, Давлат мадҳияси ижро этилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам аниқлаштирилди ва тўлдирилди. Жумладан, илгари Қонунда Давлат мадҳияси ижро этилиши лозим бўлган бешта ҳолат белгиланган бўлса, янги тартибда мувофиқ ушбу ҳолатлар ўнга қилиб белгиланди (Қонуннинг 3-моддаси). Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига қилиши чоғида — у қасам ёд қабул қилганидан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида — янги ўқиш йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида, спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларининг вакиллари бўлган қўлибларини муқофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида Давлат мадҳияси ижро этилиши лозимлиги қўшимча сифатида киритилди.

“Ўзбекистон Республи-

касининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни ўнг қўл қафтини кўкранган чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматдаги махсус кийимдаги шахслар эса, қўлини бош кийимига қўйиб тинглаши, агар Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар ўнга юзи билан бурилиши лозимлиги янгида белгиланди. Ушбу тартибни чет эл мамлакатларининг тажрибасида ҳам қўзғатиш мумкин. Хусусан, АКШда Давлат мадҳияси ижро этилаётганда ҳозир бўлган кишилар ўнг қўлини чап қўлига қўйиб турадилар.

Иккинчидан, Давлат рамзларининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг рекавизитлари ёки реклама материалларида киритилишини, Давлат рамзларининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарлари (ишлари, хизматлари) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланишни тақиқловчи ҳамда нодавлат тижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзларига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслигини белгиланиши нормалар киритилди.

Учинчидан, киритилган ўзгаришларнинг яна бир эътиборли томони шундаки, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлар ижросини на-

зорат қиладиган давлат органлари аниқ белгиланди.

Хусусан, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ички ишлар органларига юклатилди. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги қонунларнинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Тўртинчидан, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги — Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлиқни назарда тутувчи 203-модда билан тўлдирилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, илгари факатгина Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 215-моддасида белгиланган эди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янги 203-моддага кўра, эндиликда Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳам фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилгандан кейин такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳам давлатимиз рамзларига лозим даражадаги ҳурматни ифода этишга, фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳамда давлат рамзларига ҳурматсизлик қўрқатишнинг олдини олишга қаратилган. Зотан, муқтадирлигининг илк кунларидаёқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат муқтадирлиги асослари тўғрисида”ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат муқтадирлигининг рамзлари муқаддасдир.

Сухроб ЖАББОРОВ,
Мирзохид ЯКУБОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходимлари

Тўртинчи ҳокимият

Айтар сўзимиз бўлсин

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ кўплаб маърузаларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир вазифалар биз журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимларига йўллаган табриғида ҳам оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатларига оид янги қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни тезлаштириш, шунингдек, матбуотнинг ҳокимият идоралари, бошқа бошқарув органлари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўр-

керак, деган эди ўшанда Юрбошимиз Ўзбекистон раҳбари кейинчалик бир гуруҳ журналистлар билан бўлган бошқа бир учрашувда бу борада иккита олий ўқув юртидаги журналистика факультетлари устида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Ана шуларни эслар эканмиз, баъзи саволларга жавоб излаймиз. Журналистлик дипломига эга бўлаётганларнинг оммавий ахборот воситаларидаги иштироки қай да-



билан шарҳ ёзилиб қолмайди. Фикрлаш ва идрок этишдан ташқари ёзиш қобилияти ҳам керак.

Журналист бўлишни исташ бошқа-ю, сиёсий шарҳловчи бўлиш масъулияти бошқа. Бу масъулият, аввало, халқаро журналистикага дахлдорлик ёки дахлдор эмаслиқни талаб этади. Умуман, ўқиш ёки иш жараёнида бу соҳага қизиқиш бор ёки йўқлиги муҳим аҳамиятга эга. Майли, талаба ёки тингловчи, ходим ёки маърузачи бўлсин, халқаро журналистикани танлаган инсон бугунги дунёни англаш ва идрок этиш, долзарб халқаро масалаларга муносабат билдириш ва бунда ўз давлатининг ёндашуви юзасидан шарҳ ёзиш билан синовдан ўтиши лозим. Акс ҳолда у демократия ва эркинлик, сўз ва матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва фикрни эркин ифодалаш деган турли нобилор остидаги геосиёсий манфаатлар таъсирига берилиб, ўзи билмаган ҳолда кимларнингдир ноғорасига ўйнаб қолади. Ҳатто интернет сайтларидан материаллар олиб фойдаланиш ҳам сиёсий ҳушёрлиқни талаб этади. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва йўналишларини яхши билмаган, Президентимиз олиб бораётган мустақил ташқи сиёсатнинг мақсад-моҳиятини англаб етиб идрок этмаган, дипломатия санъати давлатларо ҳамда халқаро муносабатларда шифобахш малҳам эканини тўшуниб етмаган инсон сиёсий шарҳловчиликка даъвогарлик қўлолмайд.

Бу масъулиятнинг аҳамияти шундаки, Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсатини, бу борадаги тақлиф ва ташаббусларини ҳамда халқаро ҳаётни ёритишда бугунги кун талаблари даражасида, яъни жаҳон халқаро журналистикаси билан бўйлашиб фаолият кўрсатишда иқидий имкониятларимиздан самарали фойдаланайлик. Бунинг учун ташаббус ва талабчилик, тажриба ва маҳорат, сиёсий етуклик ва касбга меҳр доимий ҳамроҳлик бўлиши керак. Ёзган шарҳларимизда аниқ мақсад, сиёсий онг ва тушуна, халқаро ҳуқуқ ва ҳақиқат мезонлари, дипломатик мезон ва умуминсоний манфаатлар акс этиб турсин.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

ҲАР БИР шахс жамият ҳаётида у ёки бу даражада иштирок этади. Хусусан, ўзаро фикр алмашув орқали ҳам кишиларнинг иқтимоий ҳаётга фаол муносабати намоён бўла боради. Бунинг тахририятимизга келаятган мактуб ва мақолаларнинг мазмун-моҳиятидан ҳам аққол оғнаш мумкин.

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, унинг мустақил мамлакатимиз тараққиётида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда беқўёқ аҳамият касб этаётгани ҳақидаги мақолалар билан танишиш бизни беҳад қувонтиради. Адлия вазирлиги масъул ходими Лоласон Каримовнинг “Таъсирчан тарғибот кучи” мақоласида Конституцияимизни ўрганиш, уни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан адлия идоралари ва муассасалари томонидан қилинаётган ишлар таҳлил қилинади. “2011 йил бошидан ноябрга ойига қадар шу мавзуга доир 2375 мартаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилди. “Конституция — бахтимиз қомуси”, “Буюк келажакимиз пойдевори” маълумларида 189 та семинар, 1053 та давра суҳбати ташкил этилиб, мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Булардан ташқари, бир неча нускаларда ўқув услубий қўлланма, рисола, мақолалар тўпламлари чоп этилди, конференциялар ўтказилди. Шу билан бирга, Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида республика кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинган. Конституция кўни муносабати билан ҳар йили республикаимиздаги таълим муассасаларида “Очқ эшиклар кўни” ташкил этилиб, унда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда”, деб ёзди муаллиф.

Самарқанд шаҳар 16-сонли давлат нотариал идораси нотариуси **Толиб Эшматовнинг** “Муқдор ҳуқуқи қафолланган” номли мақоласи фуқароларнинг Бош қомусимизда белгиланган иқтисодий ва иқтимоий ҳуқуқлари мавзусига бағишланган. Қарши шаҳар 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси **Матлуба Саидолимова** ва Ҳузур тумани ФХДЕ бўлими мудири **Дилбар Узақова** ҳаммуаллифлигида ёзилган “Муқдор ҳуқуқлар асоси” мақоласида ҳам шу мавзуда фикр-мулоҳазалар билдирилган. Адлия вазирлиги масъул ходимлари **Бобур Шамшиев**, **Олим Файзуллаев**нинг “Исботланмаган ишонч” номли мақоласида айбонлик презумпциясига Бош қомусимизда алоҳида эътибор берилгани, бу ҳусусдаги халқаро ҳуқуқ нормаларига оид мулоҳазалар ўрин олган.

Ҳозирда кўп мамлакатларда Конституцияимизни ўрганилаётгани, уни халқаро экспертлар эътифори эгалиги ҳақида батафсил сўз юритилган “Халқаро аҳамиятга эга ҳужжат” мақоласи тадқиқоти **Мирислом Бадалов** қаламига мансуб. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтини талабаси **Феруза Мамадалиева**нинг “Демократик ҳуқуқий давлат пойдевори” сарлавҳали мақоласида “Шу йиллар давомида Конституцияимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада чуқур-

Хатларга шарҳ

Фикрлашиш истаги

ижтимоий ҳаётга фаол муносабат ифодасидир

лаштиришга хизмат қилиши билан бирга, фуқароларнинг жамиятимиз ҳаётидаги фаолликлари кучайтиришга, ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам иқидий таъсир кўрсатади”, дея таъкидланди. ТДЮИ ўқувчи-си **Баҳром Эшмуродовнинг** “Конституция ёшлар нигоҳида”, ТДЮИ дошети **Зиёдулла Хидиров** ва магистрант **Баҳром Илҳомжонов**нинг “Конституция ва ҳуқуқий маданият етуклиги”, талабалар **Шоҳрух Ҳамидовнинг** “Асрий ораулар рўйи”, **Ойбек Ғаниевнинг** “Ғурур ва ифтихоримиз рамзи” Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси **С.Сафаров** ва журналист **Э.Мирзаевнинг** “Инсонпарвар таомиллар асосида”, 2-Тошкент юридик коллежи ўқувчиси **Мирзамаҳмуд Абдуҳамидовнинг** “Ҳуқуқ ва эркинликлар асосида” номли мақолаларида Асосий қонунимизни доимий ўрганиш, янада кенгрок тарғиб қилиш ва чуқурроқ тушунишга бўлган интилишлар акс этиб турибди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими **Зулхумор Болтабоевнинг** “Миллий рамзларимиз — ғуруримиз ва фарҳимиз” номли мақоласида давлат рамзларига доир қонун ҳужжатларининг таъминлаштирилиши, **Абдулқосим Оғуловнинг** “Ҳодимларни аттестациядан ўтказиш” сарлавҳали мақоласида юридик хизмат ҳодимларини аттестациядан ўтказишнинг амалий аҳамияти ҳусусида сўз боради.

Тахририятимизга адлия идоралари ва муассасаларининг ҳуқуқий тарғибот, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан амалга ошираётган фаолиятлари акс этган мақолалар ҳам тез-тез келиб турибди. Шу маънода Адлия вазирлиги масъул ходимларидан **Эркин Холмаҳматовнинг** “Тезкор-қидирув фаолияти”, **Неъмат Шердодовнинг** “Рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш”, **Умурзоқали Бердиевнинг** “Қирим қилинган товар”, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Дилшод Ҳамидовнинг** “Қўлай ишбилармонлик муҳити” номли мақолаларини келтириш мумкин. Уларда тезкор-қидирув фаолияти бўйича ҳориқий мамлакатлар тажрибаси, қонун ҳужжатларида тадбиркорларга эришган имкониятлар, солиқлар оид ҳуқуқбузарликлар борасида белгиланган қондалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида афторлиқа баён қилинган.

“Ҳар бир шахсининг иқтимоий ҳаётда ва фуқаролик муомаласида индивидуаллашуви воситаси унинг

исми ҳисобланади, исм ҳуқуқи фуқаронинг ахралам ҳуқуқидир. Шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро таҳлилусдан (тўқилган исмдан) фойдаланиш мумкин, деб ёзди Қосон тумани ФХДЕ бўлими мудири **Жамила Файзуллаева** “Исм ҳуқуқи” мақоласида.

Китоб тумани ФХДЕ бўлими мудири вазифасини бажарувчи **Дилором Усмонова** ва Яқобоб тумани ФХДЕ бўлими мудири **Махшара Мухаммадиева**нинг “Рўё ортидан қувиб” мақоласида одам савдосига қарши куралиш юзасидан жойларда олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳусусида сўз юритилди. Бекобод тумани ФХДЕ бўлими мудири **Феруза Мусаев**нинг “Тиббий қўриқнинг аҳамияти” номли мақоласида қайд қилинишича, “никоҳдан аввалги тиббий қўрик чоғида айрим юқумли касалликлар билан оғриланлиги аниқланган беморлар соғлиқларини тиклашга эришилди. Бу эса ўз навбатида оилада жисмонан соғлом, ақлан етук фарзандлар дунёга келишига замин бўлмоқда”. Шофкор тумани ФХДЕ бўлими мудири **Мухаббат Қўшаевнинг** “Аёлларга зарур имтиёзлар берилган”, Тахтакупр тумани ФХДЕ бўлими мудири **Ширин Мадреновнинг** “Никоҳдан ўтати тартиби”, Оптик тумани ФХДЕ бўлими мудири **Комил Шариповнинг** “Соғлом оила — жамият баҳими”, Қўрғонтепа тумани 1-сон ФХДЕ бўлими мудири **Муаззам Акбаровнинг** “Она қувони” номли мақолаларида меҳнат қонунчилигида аёлларга берилган имтиёзлар ёшлар ва никоҳ, оила масъулияти, бола саломатлиги каби мавзулар ёритилган.

Яқобоб тумани давлат нотариал идораси нотариуси **Сайёра Исмаилова** “Реституция тушунчаси” мақоласида мазкур тушунча ҳақида маълумот келтирди: “Реституция фуқаролик ҳуқуқида битимлар билан боғлиқ муносабатларда қўлланилади, бунда томонлар ўртасида тузилган келишув ҳақиқий эмас, деб топишдан тақдирда, келишув асосида томонларга берилган барча нарсаларнинг ўз эгаларига қайтарилиши тушунилади”. Бекобод тумани давлат нотариал идораси нотариуси **Гўлшара Шарипова** “Она тилим — жону дилим” номли мақоласида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти тобора ҳаётимизга сингиб кетаяётганини таъкидлаб: “Қонунга мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида яшовчи шахслар давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, тақлифлар ва шикоят билан давлат тилида ҳамда бошқа тилларда

муножабат қилиш ҳуқуқи таъминланади”, деб ёзди. Нишон тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси **Абдували Шайманов** ва Нишон тумани ФХДЕ бўлими мудири **Дилфуза Шамсиевнинг** “Ахборот эркинлиги”, Зарафшон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси **Маъруф Абдуновнинг** “Еш тадбиркорларга эътибор”, Андижон вилояти Марҳумат тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси **С.Ғуломовнинг** “Чегара билмас иллат” мақолаларида фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояланиши, одам савдосига қарши куралиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ҳўжаобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси **Салима Шамсиевнинг** “Ишончнома расмийлаштирилган” мақоласида автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни нотариал расмийлаштириш тартиби баён қилинади.

Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими масъул ходими **Сардор Каримовнинг** “Омонатга хиёнат” номли мақоласида фуқароларнинг муножабатлари бўлим томонидан афторлиқа ўрганилиб, қонуний чоралар қўйилаётгани қайд этилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний мақсадалари ҳимоя қилинишида ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига катта масъулият юклатилган. Бу масъалага мазкур идоралар томонидан қанчалик эътибор берилаяётганини шу ҳақда тахририятимизга келган мактубларни ўқиб ҳам англаш мумкин. Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг судьяси **Абилал Адиев**нинг “Жоҳиллик” сарлавҳали мақоласида ичкиликка ружу қўйиш оқибатида содир этилган бир жиноят таҳлими берилган. Жиноят ишлари бўйича Ҳўжаобод тумани судининг раиси **Нозимжон Умаров** ва мазкур туман прокуратурасининг терговчиси **Зафарбек Рустамов**нинг “Нафс қулига айланган мудира” номли мақоласи мактабга таълим муассасаси мудирининг сохта ҳужжатлар орқали иш ҳақлари ёзиб, ушбу маблағларни ўзлаштириш ва бу қилмиши учун суд томонидан тегишли жазага тортилгани ҳақида сўз боради. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси **Хайрулла Ҳайдаровнинг** “Битим билан боғлиқ низолар” мақоласи

судлар томонидан шу тоифадаги ишларни қўришда битимларга оид муносабатларни тартибга солуви қонунчилик нормаларининг қўлланилиши борасидаги тахрирлар таҳлил қилинган.

“Инсонлар соғлиғига заволят келтирадиган, маънавиятини издан чиқарадиган “огу”ни сотиш орқали мўйил пул топишдан тоймайидан кимсалар қонун олдига жавоб бериши мўқарар”, деб ёзилган жиноят ишлари бўйича Элиқалъа тумани судининг раиси **Шайлов Мамбетқадиров** ва журналист **Акмал Тоҳируров** ўли ҳақидаги мақоласида “Оғуфурлар” мақоласида. Ушбу мақолада гўёғандек моддалар савдоси билан шуғулланган бир оила аъзоларининг қилмишлари қандай оқибатларга олиб келгани баён қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз фарзандига таъминот бериш мажбуриятининг озоқ қилимайдиган, деб ёзди фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманларо судининг раиси **Д.Ибрагимов** “Алимент тўлови” мақоласида. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди бош мутахассиси **Хайрулла Қамолонинг** “Нафс доми”, жиноят ишлари бўйича Пахтабод тумани судининг раиси **Рафқон Тошматовнинг** “Қўнғир ишнинг қийғи”, Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ 47-ҳазони ижро этиш муассасаси махсус контингентлар билан тарбиявий ишлар олиб бериш бўлимининг йўриқчиси, майор **Х.Хайдаровнинг** “Эл манфаати йўлида”, Ҳўжаобод тумани вилояти кенгаши раиси **Абдурашид Абдуллаевнинг** “Хабардорлик ва дахлдорлик” номли мақолаларида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ишхотларнинг қонуний асослари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аҳамияти таъкид қилинади.

Андижон шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси **Алишер Юсуповнинг** “Қалбаки тўлов қайдиомалари” мақоласи маҳалла томонидан бола парварлиши учун ажратиладиган нафақа пуллари тайинланмишда қузғилиш қонуннинг ҳақдорлиги тилга олинган. Бўжоро вилояти ҳўқуқий судининг катта масъул хатчиси **Файрат Эргашова** йўллаган “Солиқ қарзини ўқидириш” мақоласи солиқ идораларининг солиқ қарзини ўқидириш масалаларида доир даъво аризаларини суд томонидан ҳал қилинаётганига оид ҳаётий мисоллар келтирилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Мировод тумани Суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси **Дилшод Исмомовнинг** “Жамиятдаги ўзгаришлар”, Жиззах вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Аҳмад Шайхитовнинг** “Даво қаноатлантирилди”, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими **Давронбек Дўсбоевнинг** “Ўқидрилган маблағлар” мақолаларида ҳуқуқий маслаҳат беришининг таъсирчан воситалари, фуқароларнинг қонуний мақсадаларини ҳимоялаш каби мавзулар амалий фаолият билан боғлиқ тарзда ёритилган.

Дилором
МАТКАРИМОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб, Самарқанд шаҳрида “Ёш ҳуқуқшунослар” республика кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

АДЛИЯ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Фонд Форум жамғармаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда ҳуқуққа ихтисослашган коллеж ва лицей талабалари ўзаро беллашдилар.

Тадбирда Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Самарқанд вилояти ва шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари, Фонд Форум жамғармаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда маҳаллий ва марказий ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ушбу танловда ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалардаги қоидалар, шунингдек, Президентимизнинг асарлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар борасидаги билимлари синовдан ўтказилди.

Танлов 3 та шарт асосида ўтказилиб, биринчи шартда гуруҳлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириб беришди ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни

Танлов

“Ёш ҳуқуқшунослар” республика танловининг финал босқичи

Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланади



янада юксалтиришга қаратилган тақдирларни кўргазмалли қўроллар орқали намойиш этишди, иккинчи шартда ҳар бир гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан махсус тайёрланган саволлар берилди. Учинчи шартда эса гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан олдидан берилган

мавзулар асосида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Республика танловида 1-Тошкент юридик коллежининг “Куч адолатда”, 2-Тошкент юридик коллежининг “Консенсус”, ТДЮИ қошидаги академик лицейининг “Тафаккур”, Жиззах ҳуқуқшунослик коллежининг “Консул”, Наманган юридик

коллежининг “Ўзбегим ёшлари”, Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг “Статус-кво” Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг “Девантас”, Бухоро маиший хизмат ва юридик коллежининг “Координатор” гуруҳлари ўзаро куч сиништиришди.

Беллашув натижаларига кўра 1-Тошкент юридик коллежининг “Куч адолатда”, 2-Тошкент юридик коллежининг “Консенсус”, ТДЮИ қошидаги академик лицейининг “Тафаккур”, Жиззах ҳуқуқшунослик коллежининг “Консул”, Наманган юридик

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Ҳақиқий мезон

БАРЧАМИЗГА маълумки, асосий мақсадларимиздан бири демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдир. Бунда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти дегадга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонун билан қамолланидиган жамият тушунилади. Қолаверса, бундай жамиятда давлат томонидан, ҳокимият томонидан соғлом турмуш тарзи, яъни ҳаёлат ва ҳуқуқотдан холи бўлган, илм, маънавият, спорт воситасида ўзини ўзи тарбиялаб борадиган, инсон, оила ва жамиятнинг қамол топишига хизмат қиладиган ҳаёт шакли таъминланади. Ҳар бир давлат ўз олдига буюк келажақ қуришни мақсад қилиб, унинг пойдеворини мустаҳкам қилиб қуришга ҳаракат қилади.

Конституция ҳар бир давлатнинг ривожланганлик даражасини белгиллаб берадиган омиллардан бири. Давлатимиз Конституцияси халқимизнинг асрлар давомида орзу қилган қомуснома. Асосий қонунимиз ўзида халқ иродаси, унинг руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ифода этади.

Конституция олий юридик кучга эга бўлган, давлатчиликнинг ўзига хос белгисига эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституция давлат ва жамият ҳаётининг юридик асоси, миллий ҳуқуқ тизимининг асосий манбаи, ҳокимият институтларининг қонунчилиги, ҳуқуқ тартиботи ва мувоозанатининг қафалидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Конституция — бу ҳуқуқ устуворлигига асосланган давлатнинг муҳим шарти. Шундай экан, конституциявий қонунчиликни аниқ ва тўлақонли ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш жамият ҳаётининг барча соҳалари ривож ва мувоозанатини таъминлайди.

Севад ЗОКИРОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

Реклама ўрнида

“Микрокредитбанк”:

“Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа” танлови якунланди

МАЪЛУМКИ, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” муносабати билан “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида молиялаштирилган лойиҳаларнинг аниқ мақсадларга йўналтирилиши, муҳими, ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш, хотин-қизларни оилаларда ажралмаган ҳолда ишга жалб этиш, қасадчиликни ривожлантириш борасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга жорий этиш учун “Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа” танлови эълон қилинган эди. Якунига етган ушбу танлов оғибларнинг тақдирларини моралии бўлиб ўтди.

“КИЧИК бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”нинг ўтган ойлари мобайнида кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга 285,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди, шундан микромолиялашга 146,6 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Микромолиявий хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 131 фоизга ошди. Жорий йилда банк сармоялари эвазига 98 205 та янги иш ўрни ташкил этилди. Айниқса, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун 21,5 миллиард сўм бошланғич сармоя сарфланди. Ушбу маблағларнинг асосий қисми коллеж битирувчилари ташкил этган корхоналарни молиялашга сафарбар этилди. Тадбиркорлик қўламининг кенгайишида банк томонидан олиб борилаётган бу сингари ташкилий ишлар катта самара бермоқда.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад, банк филиаллари томонидан ажратилаётган имтиёзли сармоялар самардорлигини янада ошириш, молиялаштирилаётган ҳар

бир лойиҳа заминидан янги маҳсулот ва хизмат тури ҳамда янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлашдан иборат бўлиб, унга кўра ташаббускор тадбиркорлар фаолиятлари ўрганилиб, танлов мезонларига тўғри келадиган энг яхши лойиҳалар танлаб олинди.

Танловда қатнашиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидан қўллаб аришлар келиб тушди. Кредит қўлмталари томонидан ҳар томонлама қўриб чиқиш, танлаб олинган лойиҳалар молиялаштирилди ва улар фаолияти юзасидан тизимли мониторинг ишлари ташкил этилди. Асосий эътибор, тақдир этилган лойиҳалар бўйича янгидан яратилаётган иш ўринлари сонига, олис ва меҳнат ресурслари зич бўлган туманлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва маҳаллий ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, аҳолига сифатли сервис хизмати кўрсатишга қаратилди.

тишга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди.

Танловнинг вилоятлар босқичида Республикаимизнинг барча туманларида банк кредити ҳисобидан фаолиятини йўлга қўйган, янги иш ўринлари ташкил этган 200 га яқин лойиҳа ташаббускорлари вилоят филиалларининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Республика босқичига тақдим этилган лойиҳаларнинг асосий қисми — маҳаллий хомашёлар ҳисобидан зарур товарлар, жумладан ақва эшик, дараза ромлар ишлаб чиқариш, аҳоли учун сифатли кийим-кечақлар тикиш, жунни қайта ишлаш орқали янги маҳсулот яратиш, аҳолига сервис хизмати кўрсатиш, яъни саргарошхоналар, компьютер хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш каби соҳалардан иборат.

Танлов доирасида асосий корхоналар фаолияти “Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа” ҳамда “Энг кўп иш ўрни ташкил этган тадбиркор”, “Қишлоқдаги энг ёш тадбиркор”, “Қишлоқдаги энг яхши тадбиркор аёл”, “Худуддаги энг яхши сервис хизмати” ва “Эл дастурхони тўқинчилиги ҳисса қўшган тадбиркор” номинациялари бўйича саралаб берилди.

Танлов натижаларига кўра Тошкент вилояти Зангиота туманида фаолият юритаётган “Асли ГМ” МЧЖ раҳбари Гулнора Махмудова “Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа” танловининг ғолиби деб топилди. “Энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор” но-

минацияси ғолиблигига Андижон вилояти Хўжабод туманида фаолият юритаётган “Хўжабод текс ривож” МЧЖ раҳбари Баҳодир Собиров сазовор бўлди. “Эл дастурхони тўқинчилиги ҳисса қўшган тадбиркор” номинацияси Хоразм вилояти Урганч туманида фаолият юритаётган “Гўзали Хулкар” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Қамолитдин Хасанов ҳамда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида фаолият юритаётган “ALSMA SALTAN” МЧЖ раҳбари Мўйсин Турсуновга nasib эди.

“Қишлоқдаги энг яхши тадбиркор аёл” номинацияси бўйича ғолибликни Жиззах вилояти Фориш туманида фаолият юритаётган “FOR ТЕКС” хусусий корхонаси раҳбари Бозоргул Тўраева қўлга киритди. “Қишлоқдаги энг яхши сервис хизмати” номинацияси Навоий вилоятида фаолият юритаётган яқка тадбиркор Достонжон Мухамедовга берилди. Шунингдек, “Қишлоқдаги энг ёш тадбиркор” номинацияси бўйича Сурхондарё вилояти Сариев туманида фаолият юритаётган “Ложувард Имкон Плюс” хусусий корхонаси раҳбари Зулфизар Абдуқалимова ҳамда Наманган вилояти Поп туманида фаолият юритаётган “Жасур Уйғур Сервис” хусусий корхонаси раҳбари Жасур Акбаров ғолиб деб топилди.

Ғолиблар банкнинг махсус дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Рашид РАУПОВ

“2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”

Яратилаётган имкониятлар

эркин фаолият юритишга камарбаста бўлмоқда

БУГУНГИ КУНДА, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари бир қатор имтиёзлар яратилмоқда. Хусусан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-ҳужалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини қучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини қучайтиришни таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида қатор имтиёзлар қўзда тутилган. Унга мувофиқ мазкур Фармонда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳужалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида ре-

жали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги белгиланган. 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳужалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш қўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кундан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Мазкур имтиёзлар тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, Конституциямизда қамолатланган тадбиркорлар ҳуқуқлари янада кенгайтирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

ликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка қўпроқ, эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Фармонда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципида амал қилинади, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартафэтиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига иқтисодий ислохотларнинг давомийлиги сифатида 2012 йилнинг 1 январидан санаот соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилиши иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлашнинг қамолати бўлиб хизмат қилади.

Сарвар ТўРАЕВ,
ТДЮИ магистри

Тадбир

Ватан — юрак каби ягонадир

НАВОЙИ ВИЛОЯТИДА ташкил этилган семинар машғулотларидан бири Президентимизнинг 2011 йил 28 октябрдаги “Ватан ҳимоячилари қуни ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли қўлларининг 20 йиллик байрамига таъдиркорлик ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши ижросини таъминлашга бағишланди.

СЕМИНАР вилоят ҳокимлиги, вилоят адлия бошқармаси, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида тузилган режага асосан ташкил этилди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда тиббий маданиятини ошириш мақсадида ҳарбий прокуратура, адлия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, мудофаа ишлари бошқармаларининг мутахассислари билан ўтказилган мазкур тадбирда Навоий шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлар, ҳарбий госпитал ҳамда сафарбарликка қақирув резерви батальонларида барча ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларига республикаимизда оила ва Ватанимиз манфаатини қўзловчи, унинг дахлсизлигини таъминловчи норматив ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Президентимизнинг мустақиллик йилларида оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг мазмун ва моҳияти яна бир қарра тушутирилди.

Манзура ҚўЛДОШЕВА,
Навоий шаҳар ФХДБ бўлими мудир

Мулоҳаза

Оила қуриш масъулияти

ёшлар бунга жиддий ёндашяпти

МАМЛАКАТИМИЗДА оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий истиқболига кенг имкониятлар яратилган. Бош қомусимизда оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланиб, алоҳида “Оила” боби қўйд қилинди, азалий анъаналаримизни ўзида мужассам этган Оила кодекси ва қўллаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом оила ва турмушга нисбатан масъулиятни тубдан қучайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда оилаларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, тиббий билимларини ошириш, оила қонунчилиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўлажақ келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳар томонлама етук ва баркамол фарзанд тарбияси асослари билан таништириш, оилалар мустаҳкамлигига жиддий ёндашилган.

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила қонунчилигига доир ҳуқуқий ҳужжатлар, Президентимизнинг бу борадаги Фармон

ва қарорлари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг қўламда тарғиб қилиш ишларига алоҳида аҳамият бе-



рилмоқда. Уларда асосий эътибор оилада соғлом фарзанд туғилиши ва вояга етишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этилиши, соғлом

оилани шакллантириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби масалаларга қаратилган.

Айни пайтда, аҳоли, ёшлар ўртасида ФХДБ бўлими, туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, соғлиқни сақлаш идоралари, “Қамолот” ЕИХ, маҳалла бўлими вакиллари иштирокчида “Оила — муқаддас даргоҳ”, “Соғлом она — соғлом бола”, “Репродуктив саломатлик”, “Тиббий кўрикнинг аҳамияти ва афзаллиги” каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилаётгани амалий самаралар бермоқда.

Ҳозирда эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олди олинишида мутахассислар маслаҳатларининг ҳам ўз ўрни бор, бу билан ёшларнинг оила қуриш масаласига жиддий масъулият билан ёндашишга эришиляпти.

Амалдаги қонунларимиз, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва мустаҳкамлигини қамоллантиради. Жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилган оилани ҳар томонлама ҳимоя қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Умида АЗИМОВА,
Қўрай тумани ФХДБ бўлими инспектори

Талаба фикри

Қадриятларга уйғун қоидалар

маънан етукликка ундайди

ЮРТИМИЗ истиқлоли азиз халқимиз ҳаётида, хусусан, биз ёшларнинг эркин яшаш, муносиб шартларда билим олиб, қамол топаётганида ёрқин акс этмоқда. Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган ва қалбимизга бекибс гурур банишловчи ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга она юртимиз олдидаги муқаддас бурчларимизни тегиз ойналаётган. Ҳар бир кунимизда, ҳаётини жароёнларда уларнинг яққол ифодасини кўрмоқдамиз.

ИСТИҚЛОЛ буюк нозмат, бироқ унга осонликча эришилмаган. Уни асраб-авайлашнинг учун ажодларимизга муносиб бўлиб вояга етмоқ, тинч-осойишталикда ўқиш, изланиш билан ўтаётган ҳар бир кунимизда қадрламоқ лозимлигини дилдан ҳис қиламиз. “Асосий қонунимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга”лиги қатъий белгилан қўйилган.

Бош қомусимизнинг ўзига хос жиҳатлари, азалий миллий қадриятларимизга уйғун қоидаларини турли тарғибот тадбирларида мутахассислар батафсил тушутириладилар.

Айниқса, муқаддас даргоҳ саналган оила ҳақидаги ёки ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро мажбуриятларга оид қоидаларни ўрганишнинг, аввало, маънан етук бўлишимизда катта ижобий таъсири бор. Зеро, миллий давлатчилигимиз, азалий бебаҳо қадриятларимиз ҳам чуқур, теран илдизларга эга. Бош қомусимизда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги унинг нақадар ҳаётчан эканлигини ҳам яққол ифодаляпти.

Конституциямиздаги ҳар бир сўз дилимизга яқин, қалбимизга ўрнашган. У чинакам ҳаётимиз қомуси, улуғ мақсадларимиз йўлини ёритади, туганмас куч бағишлайди. Мустақил юртимиз ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликлари қамолатланган инсонпарвар Бош қомусимиз чинакам фахру ифтихоримиздир.

Шахло ЙЎЛЧИЕВА,
ТДЮИ талабаси

Минбар

Кенг қамровли қомус

барча жабҳаларни ўзида мужассам этган

ҲАР БИР давлат Конституциясининг бажарилиши бир неча жиҳатга эга. Кенг маънода, Конституциянинг бажарилиши Конституция нормаларини жорий қонун ҳужжатларида аниқлаштириш, судлар томонидан талқин қилиш, конституциявий нормаларнинг фуқаролар онига таъсир кўрсатиши ва амал қилишининг барча шакллари аниқлади.



Акмал САИДОВ,
профессор,
юридик фанлари
доктори

бевосита амалга оширилади ва шу билан бирга бошқа қонун ҳужжатларида аниқлаштирилади ва тўлдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тахлили Конституцияда белгиланган салоҳият ҳаётида тўлиқ намоён бўлмақда, деб таъкидлаш имконини бермоқда. Конституциянинг 24 та моддасида жорий қонун ҳужжатларига 27 марта бевосита ҳавола қилинган, улар бугунги кунда қабул қилинган.

Конституция амал қилган йиллар давомида Олий Мажлис томонидан 15 та кодекс, 500 дан зиёд қонунлар қабул қилинди ва 200 дан зиёд халқаро шартномалар ратификация қилинди. Шундай қилиб, Конституцияни амалга ошириш учун яхлит механизм яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини бевосита амалга ошириш доирасида давлат органлари томонидан конституциявий нормаларни мустақил қўллаш билан чекланмади. Конституциявий нормалар жорий қонун ҳужжатлари билан бир қаторда амалга оширилганда ҳам, Конституция нормалари бевосита амал қилиш хусусиятини йўқотмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бевосита амал қилиши мамлакатда конституциявий қонунчиликни таъминлаш ва унга риоя қилишнинг зарур шартидир. Бу ҳуқуқлари бўзилган ҳар бир шахс ушбу ҳуқуқлар жорий қонунчиликда белгиланмаган тақдирда ҳам уларни ҳимоя қилиш учун давлат органларига мурожаат қилиши мумкин. Конституциянинг бевосита амал қилишини баҳолаганда, қийинчиликни эътиборга олиш лозим: айрим конституциявий нормалар асо-

сий ижтимоий муносабатларга бевосита таъсир кўрсатганда, бир вақтнинг ўзида конституциявий нормаларда белгиланган муносабатларга оид қонун қабул қилишга қаратилган ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Конституцияда кўзда тутилган қонунни қабул қилиш ҳам уни амалга оширишнинг шакллари-дан бири.

Шундай қилиб, Конституция нормалари бевосита ёки бевосита амалга оширилади.

Конституциявий нормаларни амалга оширишда Конституциявий суд алоҳида аҳамият касб этади. Бу давлат органининг асосий вазифаси қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини кўриб чиқишдир. Конституциявий суд қонунда белгиланган тартибда талқин қилиб, унинг бевосита амалга оширилиши таъминлайди. Конституциявий суднинг конституциявий назоратни амалга оширишдаги роли жуда муҳим: Конституцияга зид ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни бекор қилиши мумкин, унинг қарорини ўзгартиришга ҳеч бир давлат органи ваколатли эмас. Давлат ва жамият ҳаётини либераллаштириш шароитларида конституциявий назоратнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш мақсада ҳуқуқий мувофиқ.

Конституция нормалари бевосита амал қилишнинг аҳамияти шундан иборатки, конституциявий нормалар асосида фуқаролар барча ҳуқуқларга эга бўладилар ва уларни ҳимоя қилиш учун фақат Конституция моддасига асосланиб, суд ёки бошқа давлат органига мурожа-

ат қилишлари мумкин. Бунда суд ёки давлат органи ушбу нормани аниқлаштирувчи қонун ҳужжати йўқлиги боис ишни кўриб чиқишни рад эта олмайди. Конституциянинг бевосита амал қилиши давлат органлари Конституция нормаларини муайян ишларни ҳал қилишда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бевосита норматив асос деб ҳисоблаш лозимлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу тўғридан-тўғри ва бевосита амал қиладиган ҳужжатларни янада чуқурлаштириш, мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг янада самаралироқ механизмларига асосланган фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг истиқболларини кўрсатиб берди.

Ушбу Концепцияда баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешта моддасига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бу Конституция-мизни шакл ва мазмун жиҳатидан бойитибгина қолмай, давлат ҳокимияти-нинг унча субъекти: давлат бошлиғи — Президенти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган. Ушбу конституциявий ўзгаришлар мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янги саҳифасини очиб, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг масъулият ва дахлдорлик хусусиятини оширади.

Шундай қилиб, Конституциянинг бевосита амал қилишини таъминлаш давлат органлари, айниқса, суднинг муҳим вазифаларидан биридир. Давлат органлари, жумладан, одил судлов органлари Конституция нормаларини бевосита қўллаш мумкин: **биринчидан**, Конституция нормаларига мурожаат қилган ҳолда; **иккинчидан**, бошқа қонун ҳужжатлари билан бирлиқда; **учинчидан**, ўз қарорларини асослаш учун, уларга муҳим ижтимоий сиёсий тус бериш, ўзларининг ҳуқуқни қўллаш ҳақларининг мақсадини тушунириш зарурдир.

Кадр-қимматингизни қандай асрайсиз?

Албатта, Конституциямизда бу ҳуқуқлар кафолатланган

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсон манфаатлари устувор қадрият саналадиган сиёсий ва ижтимоий муҳит қарор топди. Мамлакатимиз Президенти томонидан ҳар бир йилнинг мамлакат ижтимоий ҳаётининг ҳар бир жабҳасини янада юксатиришга қаратилиши мамлакат аҳолиси барча қатламларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаб беришга қаратилган.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг янада самаралироқ механизмларига асосланган фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг истиқболларини кўрсатиб берди.

Ушбу Концепцияда баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешта моддасига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бу Конституция-мизни шакл ва мазмун жиҳатидан бойитибгина қолмай, давлат ҳокимияти-нинг унча субъекти: давлат бошлиғи — Президенти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган. Ушбу конституциявий ўзгаришлар мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янги саҳифасини очиб, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг масъулият ва дахлдорлик хусусиятини оширади.

Тизимли ва тадрижий асосда амалга оширилаётган сиёсий-институционал ислохотлар туфайли қонун чиқарувчи ҳокимият мустақамланмоқда. Парламент ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари орасида мувозанат қарор топиши билан бирга парламент палаталари орасидаги ваколатлар тақсими ҳам тақомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияларида бўлгани сингари барчанинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойил-ларига катта аҳамият берилган. Чунончи, Конституция-мизнинг 14-моддасида “**давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлиги кўлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади**,” деб қайд этилган. Ушбу қарорларни жамоатчилик онига сингдириш ҳар бир фуқарода қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантиришга қўллашмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, шунингдек, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилини-шини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъё-рларида ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг

конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинлик-лари ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясида “**Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари**” бўлими алоҳида ўрин эгаллаган. Шунингдек, Бош қомусимизнинг “Асосий тамойиллар” бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қим-мати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини қайд этувчи асосий қарорлар мустақамлаб қўйилган.

Конституциямизнинг қолган барча бўлиmlарида ўзининг ижтимоий йўнали-ши бўйича жамоат ва дав-лат тузилмаларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазифалари баён этилган. Шунингдек, Конституция-мизда “**фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги**” тамойили-нинг мустақамлаб қўйил-гани бундай нукта назар-нинг изчиллигини таъмин-лайди (19-модда).

Шунингдек, Конститу-цияда мустақамлаб қўй-илган демократик қоида-лар орасида сиёсий плю-рализм, яъни сиёсий ин-ститутлар ва фикрлар хил-ма-хиллигининг эътироф этилганини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Ўзбекистон Республика-си Конституциясини дунё-нинг 100 га яқин консти-туцияларини ўрганиш асо-сида, уларнинг энг илгор тажрибаларини ҳисобга олиб, умуминсоний нукта-назардан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари-га асосан, шунингдек, хал-



Алишер ТИЛЛАБОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Қонунчилик ва
суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси аъзоси

қимизнинг бой ўтмиши ва тарихини эътиборга олган ҳолда, азалий урф-одатла-римиз, ва аъёнларимиз-дан келиб чиқиб қабул қилинган ва у хорижий му-тахассислар томонидан дунёнинг энг демократик конституцияларидан бири сифатида эътироф этил-ган.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш фаровонли-гимиз асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизими-ни тубдан ислох қилишнинг асосий йўналиши ҳамда яқини мақсадидир. Мам-лакатимизда Конституция туфайли фуқаролар ва мил-латлараро тотувлик таъмин-ланди, турмуш фаровонли-гимиз йилдан-йилга ортиб бормоқда, ижтимоий-мада-ний ривожланиш, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эри-шилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Парламент журналистлар клуби

самарадорликни оширмоқда


МАЪЛУМКИ, “Ахборот асри” давлат бошқарув органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини, ахборотнинг ўз вақтида жамоатчиликка етказилишини, янгиланиш, тезкор-ликни талаб қилади. Мамлакатимизда бу борада қонунчилик тизими тақомиллашиб бормоқда.

ШУ ЙИЛНИНГ 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси “Парламент фаолияти ва қабул қилинаётган қонунларни тарғиб қилишда веб-сайтларнинг ўрни ва аҳамияти” мавзусида Парламент журналистлар клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, интернет тармоғида фаолият юритаётган веб-мухтаассислар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар.

Йиғилишда асосий эътибор мамлакатимизда қонунчилик тизимини тақомиллаштириш ва бу орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда улар ижросини таъминлаш юзасидан парламент назоратини кучайтиришга оид вазифаларни ёритишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари веб-сайтларининг фаолиятларига қаратилди.

Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси расмий веб-сай-тининг янги версияси юзасидан тақ-димот бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоиз-ки, мазкур сайт ўтган қисқа давр ичи-да фойдаланувчилар сони ва хизмат кўрсатиш салоҳияти жиҳатидан ижо-бий натижаларга эришиб келмоқда. Мазкур йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, янгиланган версия омма эътиборига тақдим этилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-нинг тарихий қисмига кирувчи депу-татлар махсус саҳифасининг янги



қўринишда ташкил этилиши, нафақат улар ҳақида маълумотлар, балки он-лайн тарзда мулоқот қилиш, турли му-рожаатлар билан саволлар йўллаш имконияти яратилди. Ҳар бир қўмита ва фракциялар таркиби эса ўтказил-ган тадбирлар, ҳисобот хабарлари, келгуси режалар ва фотосуратлар жамланмаси билан бойитилган. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, та-ширф бурувчиларнинг ахсарият қисми қонунларнинг мазмун-моҳияти ва улар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни би-лишга қизиқшган. Ана шу каби му-ҳим жиҳатларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар-нинг тўлиқ жамланмаси махсус саҳи-фада жойлаштирилди.

Шунингдек, йиғилишда парламент сайтининг интернет тармоғидаги фа-олиятини баҳолашга доир маъруза тингиланди. Таъкидлаш жоизки, сай-тининг 2010 йилга нисбатан фаолият кўлами 49 фоизга ошган, таширф бу-рувчилар сони эса 2 бараварга кўпайганлигини кўраш мумкин. Қун-далиқ маълумотларга кўра, сайтга ҳар-қуни ўртача 300 га яқин фойдала-нувчилар таширф буоради. Уларнинг

ахсарияти нафақат мамлакатимиз, бал-ки хорижий давлатлар фуқаролари (хусусан, МДХ, Европа ва АКШ ма-млакатларидан) эканлиги қўноқлари ҳолдир. Бу албатта, парламент сай-тининг қонунчилик соҳасида эриша-ётган ютуқлари ва тарғибот-ташвиқот ишлари кўламининг кенгаётганлиги-дан далолат беради.

Сўзга чиққан мухтаассислар юрти-миздаги вазирилик ва идоралар мат-буот хизмати веб-сайтларида қонун-ларни тарғиб этишининг бугунги ҳола-ти, улар фаолиятида ахборот-комму-никация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари, шунингдек, интернетдаги рейтинг услубларини мукаммаллаш-тириш, сайтининг лотин алифбосида-ги вариантини яратиш, аудио-видео лавҳаларни жорий этиш каби муҳим тақдирлар ва фикр-мулоҳазалари би-лан қатнашдилар.

Қизгин савол-жавоб тарзида ўтган мазкур йиғилиш сўнгига тегишли қарор қабул қилинди.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Нурли манзиллар сари

бошловчи ҳужжат Асосий қонунимиздир

Конституция нафақат ҳуқуқни қўллаш фаолияти-нинг устувор қонун ҳужжа-ти, балки тизимлаштирил-ган нормаларни ижро қилишнинг мукаммал қомусий асоси ҳамдир. Ўз навбатида ҳуқуқни қўлловчи конституциявий нормалар-нинг ижроси таъминлашни жамиятда қонун устуворли-гини таъминлашнинг асосий шартидир.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида консти-туциявий нормаларнинг олий юридик қучга эга бўлган манба сифатида амалиётда қўлланилаётганлиги жамиятда қонунчиликни таъминлашнинг муҳим омили эканлигини далолат бермоқда.

Инсон унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида Конституциямизда кафолатланганлиги боис, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ, эркинликларини амалда рўйбга чиқаришга зарур шарт-шароитларни яратди. Эътиборли жиҳати шундаки, Бош қомусимиз нафақат демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустақамлаш ва амалга ошириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди.

Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг пировард мақсади инсон ва жамият фаровонлигини оширишдир. Конституция ижтимоий ҳаётда адолат ва қонунчилик принциплари-нинг тантанасини таъмин-лашда устувор қонун

ҳужжати вазифасини бажармоқда.

Конституция иқтисодий соҳада ҳам катта имконият-ларни қўлга киритишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Бу, энг аввало, жамият иқтисо-дий негизларининг консти-туциявий кафолатлари билан чамбарчас боғлиқ. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратил-ган иқтисодиётнинг негизи-ни хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиши назарда тутилганлиги, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари яратилганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳар томонлама шароит ва қулайликлар тўғрисида. Айниқса, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқли-лиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланганлиги жамиятда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Биноба-рин, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимояси таъминланганлиги фуқаро-ларнинг иқтисодий, ҳуқуқларини амалда таъминлашнинг кафолатини яратмоқда.

Тадбиркорлар, кичик ва оилавий бизнес субъектла-ри, фермерлар каби мулкдорлар синфи давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги конституциявий кафолат-ларнинг амалда рўйбга чиқараётганлигининг исботи-дир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий

кафолатлари фуқароларни иқтисодий фаолликка ундамоқда ва улар манфаат-дорлигини таъминламоқда. Кези келганда шуни айтиш кераки, фуқаролар иқтисо-дий фаоллигининг ошиши, энг аввало, улар фаровон-лигини таъминлашнинг, қолаверса, жамият ва давлат тараққиёти бардавомлиги, раванқининг муҳим гарови ҳисобланади. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари-га берилаётган тегишли имтиёз ва енгилликлар ҳам улар даромадларини оширишга, молиявий аҳволининг яхшиланишига ҳуқуқий замин яратди.

Мамлакатни модернизация қилиш фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги кенг қўламли улғувор вазифаларни ҳал қилишга қодир баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатлари, таълим тизимидagi ислохотларни жадал суратлар билан амалга ошириш мустақил бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимояси таъминланганлиги фуқаро-ларнинг иқтисодий, ҳуқуқларини амалда таъминлашнинг кафолатини яратмоқда.

Тадбиркорлар, кичик ва оилавий бизнес субъектла-ри, фермерлар каби мулкдорлар синфи давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги конституциявий кафолат-ларнинг амалда рўйбга чиқараётганлигининг исботи-дир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий

Анвар ХУРРАМОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси,
Фаррух ШАРИПОВ,
ТДЮИ талабаси

Бугуннинг гапи

Оила ҳимояси

давлат томонидан кафолатланади

МУСТАҚИЛЛИК йилларида оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, оила аъзоларининг саломатлигини сақлаш ва билим даражасини ошириш, оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шaroит яратиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, оиланинг соғлом, билимдон ёш авлодини тарбиялашдаги ролини ошириш каби масалалар комплекс равишда қамраб олиниб, изчил, тадрижий ислохотлар амалга оширилди.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ алоҳида боби оилга бағишланиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга деб эътироф этилди.

Конституция ва қонунларда белгиланган нормалар ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига тўла мос келади. Хусусан, **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг** 16-моддасида, **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг** 23-моддасида, **Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг** 10-моддасида оила ҳақида белгиланган талаблар қонунчилигимизга тўла имплементация қилинган.

Мустақиллик йилларида конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита ёки билвосита боғлиқ **50 га яқин қонунлар, 20га яқин Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, 70 дан ортиқ ҳукумат қарорлари, фармойишлари қабул қилинди.**

2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шaroитларни яратиш, туғуруққа ёрдам қўратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари ҳамда оналар ва болаларга тиббий ёрдам қўрсатувчи соғлиқни сақлаш билрамчиси бўғини муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзини олиб боришга интилишни шакллантириш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш қабилиб белгиланди.

Ушбу ислохотлар натижасида ўтган йигирма йил ичида одамларнинг ўртача умр қўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 2 баробар, болалар ўлими эса 3 баробар камайди.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш жорий этилганлиги ва бошқа чора-тадбирлар натижасида туғма ва ирсий касалликлар билан туғилмаган болалар сонни қарийб икки баробар камайди.

Шуни айтиш мумкинки, **биринчидан**, мамлакатимиз Асосий қонунда жамиятнинг асосий бўғини бўлиши оилани жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш масалалари комплекс равишда қамраб олинган. Иккинчидан, оилга бағишланган конституциявий нормалар миллий анъаналар ва қадриятларимизга ҳамда жаҳонда ўзини оқлаган энг ижобий тажрибаларни уйғунлаштирган бўлиб, ўзига хос "ўзбек модели"ни шакллантирган.

Самира САИД-ҒАЗИЕВА,
ҳуқуқшунос

Ёшлар нигоҳи

Ҳар биримиз билишимиз лозим



КОНСТИТУЦИЯ халқимизнинг кўп асрлик ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркинлик ва ижтимоий одолат, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳақидаги орзулари аксидир.

КОНСТИТУЦИЯГА кўра, Давлат аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлайди ва фуқароларнинг меҳнат қилиши, ишсизликдан ҳимояланиши, билим олиши ва малакаи тиббий хизматдан фойдаланиши, пенсия таъминотида эга бўлиши каби ҳуқуқларини ҳам кафолатлайди.

Конституцияда таъкидланганидек, оила давлат муҳофазасида эканлиги жамият ва давлатнинг оилга моддий ва маънавий ёрдам бериши, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши, давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-оналарнинг вассилигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши каби конституциявий нормалар болажон ҳисобланиши ўзбек халқининг анъанавий урф-одатларига тўла мос келади.

Конституциямиз ўзининг халқчиллиги, инсонпарварлик ғоялари билан сўғорилганлиги учун ҳам муқаддасдир. Конституция инсонларнинг яшаши шахсий эркинлик ва дахлсизликларни, ўз шаъни ва обрўсини ҳимоялаш, билим олиши, эркин касб танлаш, меҳнат қилиш, дам олиш, никоҳ тузиш, малакали тиббий хизмат турларидан фойдаланиш, эркин фикрлаш, сузлаш, сайлаш ва сайланиш, муурожаат қилиш, мулкдор бўлиш, ижтимоий таъминот, интеллектуал мулк ҳуқуқларини тўла кафолатлайди.

Конституцияни мукаммал билиш, уни тарғиб этиш ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчларидан биридир.

Сидарабегим МЕЙЛИКУЛОВА,
ТДЮИ талабаси

ИСТИҚЛОЛ, барча жабҳаларда бўлгани каби, банк-молия тизимида ҳам тармоқни ривожлантиришнинг кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу туфайли иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда банклар асосий бўғин ҳисобланиши ҳақидаги фикрлари ва банклар фаолиятини ҳар жиҳатдан барқарорлаштириш борасидаги қатор Фармон ва қарорлари соҳада туб бурилиш ясади. Табиийки, бу тарихий ҳужжатлар Давлат-тижорат Халқ банки фаолиятининг жадал ривожланиши учун ҳам дастуриламал бўлди. Хусусан, биз бу борадаги самарали ишларни банкнинг жорий йил ўтган даври мобайнидаги кўрсаткичларида ҳам кузатишимиз мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ шу давр мобайнида Президентимизнинг ва ҳукуматимизнинг мамлакат иқтисодиётидаги ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, янгиланиш ва модернизациялашни давом эттириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастурининг бажарилишини таъминлаш, тизимдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда аҳоли ва ҳўжалик субъектларига сервис хизматлари кўрсатишини таъминлаштириш борасида қабул қилинган қарорлар шунингдек, **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастури ижроси бўйича аниқ ва мақсадли тадбирларни амалга оширди. Натижада банкнинг жами капиталли йил бошига нисбатан 2,2 миллиард сўмга ёки 101,1 фоизга ортиб, 201,6 миллиард сўмга етди. Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги **"Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муددатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ҳам банк фаолиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Қарор ижросининг самарали ташкил этилиши натижасида 2011 йилнинг кредит портфели ҳажми 781,9 миллиард

Талқин

Мамлакатимиздаги мукаммал банк тизими ва устувор қоидалар мезони

сўмни ташкил этди. Кредит портфелининг 655,4 миллиард сўми ёки 83,8 фоизни узоқ муددатли кредитлардир. Бу борада Конституциянинг 122-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга эканлиги, Ўзбекистоннинг давлат бюджетни Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборатлиги белгиланган бўлиб, Шу билан бирга, 124-моддада Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқариши ҳақидаги устувор қоидалар қайд этилибди.

Ушбу нормалар асосида ўтган давр ичида мамлакатимизда мукамил пул кредит тизими вужудга келди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси

публикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги **"Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"**ги Фармонида биноан 1994 йил 1 июлдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валютамиз — "Сўм" муомалага киритилди. Ушбу ислохот замирида мамлакат иқтисодиётидаги истеъмол бозорини тўлдириш учун зарур шарт-шaroитлар яратилди ҳамда бозор иқтисодиёти шaroитида ўтиш жараёнида

валюта бозорини шакллантириш учун ресурс имкониятларининг кенгайтирилишига қараверса, миллий валютани мустаҳкамлаш ва унинг ички эркин муомалада бўлишини ҳамда уни эркин алмаштирилишини таъминлаш орқали республикага қўллаб-қувватлаш чет эл инвестицияларини жалб қилишга эришилди.

Бундан ташқари, юқоридаги конституцион нормалар асосида 1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикасининг **"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"**ги, 2000 йилнинг 14 декабридаги **"Бюджет тизими тўғрисида"**ги 2002 йил 5 апрелдаги **"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш тўғрисида"**ги қонунлари, 2006 йилнинг 14 сентябрга кел-

либ эса **"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунлар мазмунини ва талабларига ҳамоҳанг равишда республикадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мувофиқлаштирилиб, бошқариб бориладиган бутун бир банк тизими ташкил этилган бўлиб, мазкур тизимнинг аҳамиятини бевоқиф, ўтган давр ичида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларда яққол кўришимиз мумкин.

Айниқса, ўтган даврлар ичида бутун жаҳон миқёсида рўй берган молиявий инқирознинг айнан бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган таъсирининг олдини олишда давлатимизнинг одилона сиёсати ва тижорат банклари фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқаришда тезкорлик билан қўрилган самарали чоралар кўл келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, юртдошларимизнинг Давлат тижорат Халқ банкига нисбатан бугунги ишончи ўз-ўзидан бўлган эмас. Бу — доимий, ҳар қун, ҳар соатлик фидойи меҳнатнинг самарасидир. Банк ҳодимларининг таъкидлашича, бундай фидойиларча меҳнат қилишни улар ўзларининг муқаддас бурчи деб билишади. Президентимизнинг банк тизимини таъминлаштиришга қаратилган қарорлари биларга куч-қувват бағишлаб, тизимда янгиланган яратилган ундаб туради.

Банкнинг қай бир миждаси билан сўхбатлашмайлик, "Биз Давлат тижорат Халқ банкига ишонамиз" дейишмоқда. Биз учун бундан ортиқ эътирофнинг ўзи йўқ.

Саидали МУХТАРАЛИЕВ, Республика Давлат тижорат Халқ банки юридик бошқармаси бошлиғи

Фаолият

Ҳужжатларни туркумлаш

ундан кўзланган мақсад нима?

БУГУНГИ КУНДА жамиятимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий маърифат соҳасидаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш республикамизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг пировард мақсадиридир. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, қонунларни тўғри қўллаш ҳамда ҳуқуқни татбиқ этиш самарадорлигини ошириш бугунги давр талабидир. Зеро, қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш жараёнининг самарали кечишида уларни туркумлаш алоҳида аҳамиятга молик.

ҚОНУН ҳужжатларини туркумлашнинг асосий мақсади ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш, бир тизимга келтириш, улардан фойдаланиш учун қулай қилиб жойлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ, вазирлик давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилайди ва уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Қоидаларга мувофиқ, айни вақтда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш ишларини янада соддалаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаротексасини юритиш вазифасидан озод этилиб, ушбу вазифа фақатгина Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасида қолдирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон қарорини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасининг 12-бандига мувофиқ "Lex.uz" Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари миллий базаси имкониятларидан фойдаланган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш ишларини янада эркинлаштириш ва соддалаштириш мақсадида қоидаларнинг янги тахририни ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларининг назорат ҳолатини юритиш баробарида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасиданги зиддиятлар бартараф этилади, эскириб қолган ҳужжатлар ва нормалар ўзгартирилади ёки бекор қилинади ҳамда қонунчиликни эскирган ҳужжатлар ва ўзаро қарама-қарши нормалардан бартараф этиш имконияти юзага келади. Шу сабабдан, қонун ҳужжатларининг назорат ҳолатида олиб борилиши нафақат адлия органлари ва муассасаларининг, балки барча давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифасига айланимоғи лозим.

Гўзал ЭРҒАШЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида
Элликқалъа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Андихон вилоятида**

Улутнон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар **Патхотбад туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар** **Асака туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Бухоро вилоятида
Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Қашқадарё вилоятида
Қашми туман давлат нотариал идорасида 1 нафар **Қосон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Навоий вилоятида
Навоий шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Навоий шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Наманган вилоятида
Наманган шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Фарғона вилоятида**

Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Тошкент вилоятида
Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Янгиёул туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Олмалик шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар** **Оҳангарон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Тошкент шаҳрида
Мирзо Улўбек туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар **Хамза туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар**

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Таъбағорнинг малака имтиҳонини тошқирганилиги тўғрисида: Малака комиссиясининг қароридан кўнраки малака имтиҳонини тошқирган, лекин нотариус лавозимига ўз йили мобайнида ишлаганган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта тошқирганилиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўнраки;
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислиги бўйича қандайдир иш мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтган, малака имтиҳонини тошқирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этилишининг охириги санаси 2012 йил 5 январь)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилтох кўчаси, 5-й.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 30 ноябдаги №330-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Самарканд шаҳридаги "Yulbuz" адвокатлик фирмасининг адвокати Қўлиёва А.А.нинг Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 17 августда берилган адвокатлик маълумоти 2011 йил 24 ноябдаги бошқарма адвокат томонидан ўқидан ошмайдиган мuddатда амалга оширилганлиги бошқа адвокатлик тизимига таъкид этилиши ҳақида бундан мавқуд адвокатлик тизимларидан бирига аргумент қилди бўлган даврга қўйилган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 6 декабрдаги №313-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар "Алтинош" адвокатлик фирмаси адвокати Амирова Зухра Қўлиёвнинг Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 15 июнда берилган №3000087-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ўз аризонига кўра тўғатилади.

Тошкент шаҳар Чилонор тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан берилган, Самарканд Диплом Тўронтўловнинг тегишли Чилонор тумани, 9-қадарал, 46-й, 67-қондорнинг давлат рўйхатидан ўқатилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқлигини сабабни бекор қилган.

Самарканд вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 16 ноябдаги 159-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Самарканд шаҳридаги "Yulbuz" адвокатлик фирмасининг адвокати Қўлиёва А.А.нинг Самарканд вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнь кун берилган №3000087-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ўз аризонига кўра тўғатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2011 йил 29 ноябдаги 124-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ИЗМАМ USTULUG" Адвокатлар ҳайъати адвокати Имомов А.А.нинг Қорақалпоғистон Республикасининг Республика Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 июнда берилган №3000087-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ўз аризонига кўра тўғатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2011 йил 2 декабрдаги 127-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ИЗМАМ USTULUG" Адвокатлар ҳайъати адвокати Имомов А.А.нинг Қорақалпоғистон Республикасининг Республика Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 июнда берилган №3000087-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ўз аризонига кўра тўғатилади.

Акром ХАЛИЛОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Қонун доирасида

“Ишонч телефони” — ишончли таянч

унга қилинган муурожаат бесамар кетмайди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ Давлат солиқ бошқармасида ташкил этилган **"Ишонч телефони"** солиқчиларнинг чинакам таянчига айланган. 2011 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида **"Ишонч телефони"**га 152 та муурожаат келиб тушган. Шундан 27 та ҳолатда тегишли ҳужжатларсиз тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилгани аниқланиб, натижада 22.442.500 сўмлик товарлар ашёвий далил сифатида олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинган.

Муурожаатларнинг 93 тасида ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланмаслик,

маҳсулот ҳақини нақд пулга нисбатан сунъий равишда ошириб олиш билан боғлиқ маълумот эканлиги аниқланди. Жумладан, Қува туманида яшовчи фуқаро Х.Бахтиёрнинг "Ишонч телефони"га қилган муурожаати бўйича ўтказилган текширишда туман марказида жойлашган 2 та савдо дўконида терминаллардан фойдаланилмаётгани, назорат касса машинаси ишлатилмай, харидорларга касса чеки берилмаётгани, 1.480.100 сўм пул НКМга кириш қилинмай, банкка топшириб юборилгани аниқланди. Дўкнларда 2.921.600 сўмлик ҳужжатсиз спиртли ичимлик-

лар билан савдо қилинаётгани фош этилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди. Шунингдек, пластик қарточкалар билан савдо қилишни янада кенгайтиришга, савдо нуқталарига ҳисоб-китоб терминалларини ўрнатишда амалий ёрдам қўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фарғона вилояти ДСБ ахборот хизмати бошлиғи

Ислохотлар пойдевори

бўлган Бош қомусимиз мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда

ЯҚИНДА истиқлолга эришганимизнинг қўлтуғ 20 йиллигини тантанали равишда нишонладик. Истиқлол йилларида юртимизнинг замонавий қиёфаси янада кўркамлашиб, мамлакатимиз қудрати ҳар томонлама қамолга етмоқда. Давлатимизнинг иқтисодий имкониятлари салмоқчи ошиб, шу асосда халқимизнинг турмуш даражаси юксалмоқда. Бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ўтказилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

УЛКАН ўзгаришларга эришишимизда мамлакатимизда яратилган ишончли ҳуқуқий асослар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат ҳаётидаги ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Мана 19 йилдирки, Конституция мамлакатимизда мустақиллигини мустаҳкамловчи ҳуқуқий асос, инсон ва унинг ҳуқуқларини олий қадрият сифатида белгилаб берувчи мезон, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида ўзини намоён қилиб келмоқда.</

Реклама ўрнида



XALQ BANKI

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди!

Давлатимиз равнақи ва юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, истиқлолимизни мустақкамлаш йўлида олиб бораётган самарали ишларингизда улкан зафарлар тилаган ҳолда, сизларга соғлиқ-омонлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака тилаб қоламиз.

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ ҚАЛЪЛАРИНГИЗНИ
ТАРК ЭТМАСИН!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!



«АГРОБАНК» ОАТБ ЖАМОАСИ

**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ БИЛАН
САМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

Сизларга мустақкам соғлиқ, бахт ҳамда
мамлакатимиз гуллаб-яшнашидаги самарали
фаолиятингизга улкан зафарлар тилайди.



Байрам муносабати билан, "Агробанк" "Байрам тухфаси", "Келажакка сармоя", "Барака" каби муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф этади.

"Агробанк" омонатларида маблағингизни кўпайтиринг!

Омонатга бўш пул маблағларингизни "Агробанк"нинг исталган филиалига қўйишингиз мумкин.
"Агробанк" омонатларида қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сир ҳисобланади.

Хизматлар лицензияланган.



Хурматли юртдошлар! "Асака" банк (ОАЖ)

Сизларни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси
куни билан қутлайди ва қўйидаги
янги миллий валютадаги
муддатли омонат туфтини
таклиф этади.

"КОМУС"

Сақланиш муддати — 10 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда (10 ойдан сўнг) берилади.



Филиаллар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автоматранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
4. Юнусобод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	226-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	221-77-56
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгаллик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Адлия вазирлиги жамоаси Хоразм вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Ўқтамбой Абдуллаевга отаси

Ибодулла ОТАНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси жамоаси Ғиждувон туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси ёрдамчиси Жамшид Ярашевга волидаи мухтарамаси

Муҳиба ЯРАШЕВАН
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг кейинги сони 20 декабрь 2011 йилда чоп этилади

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан
нашр этилади

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва Ахборот
сентенция
0081-роқам билан
руйхатга олинган



Бош
муҳаррир:
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафав Бўришош Мустафавич
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Ташбекович
Тураев Тура Эргашевич
Сандов Шокир Камолович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тулқин
РАУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет
усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иходий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма J-3296. Тиражи — 13870.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Баҳоси қилинган нархда
1 2 3 4 5